

АСРОРОВА Лобар

Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси

Манбалар хазинаси,

Баҳоуддин Нақшбанд илмий-тадқиқот

маркази бош илмий ходими,

тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

ИСМОИЛ СОМОНИЙ МАҚБАРАСИ ТАРИХИ

ИСТОРИЯ МАВЗОЛЕЯ ИСМАИЛА САМАНИ

THE HISTORY OF THE ISMAIL SAMANI MAUSOLEUM

Аннотация: Мақолада сомониёлар ҳукмронлиги даврида қурилган Исмоил Сомоний мақбараси тарихи ҳақида сўз боради. Тадқиқотлар натижалари таҳлил этилиб, бу ерда бир неча сомоний авлодлари дафн этилгани баён этилган. Шунингдек, мақола мақбаранинг келиб чиқиши (генезиси) Ироқда жойлашган Қубба ас-Сулайбия (ёки Қуббатул хулафа) мақбараси билан қиёсий ўрганилган тадқиқот хулосалари билан бойитилган ҳамда мақбара вақфномаси ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: мақбара, арка, композиция, галерея, оташкада, гумбаз.

Аннотация: В статье рассматривается история мавзолея Исмаила Самани, построенного в период правления династии Саманидов. Анализируются результаты исследований и излагается, что здесь были захоронены представители нескольких поколений Саманидов. Кроме того, статья дополнена выводами сравнительного исследования происхождения (генезиса) мавзолея с мавзолеем Куббат ас-Сулайбия (или Куббат аль-Хулафа) в Ираке, а также приводятся сведения о вакфнаме мавзолея.

Ключевые слова: мавзолей, арка, композиция, галерея, аташкда, купол.

Abstract: The article discusses the history of the Ismail Samani Mausoleum, built during the reign of the Samanid dynasty. The research findings are analyzed, stating that several generations of the Samanids were buried here. Furthermore, the article is enriched with the conclusions of a comparative study on the origin (genesis) of the mausoleum with the Qubbat al-Sulaibiya (or Qubbat al-Khulafa) mausoleum in Iraq. Information regarding the mausoleum's waqfnama (deed of endowment) is also provided.

Keywords: mausoleum, arch, composition, gallery, atashkada (fire temple), dome.

КИРИШ

Абу Иброҳим Исмоил ибн Аҳмад Сомоний (849-907) ўзбек давлатчилиги тизимида ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласининг йирик вакили бўлиб, “Амири мозий” лақаби билан аталган.

Исмоил бутун Мовароуннахрни ўз қўли остида кучли бир давлат қилиб бирлаштиради. Хуросонда ташкил топган Саффорийлар давлатига барҳам бериб, уни ўз давлатига қўшиб олади. Натижада пойтахти Бухоро шаҳри бўлган замонасининг энг йирик мустақил ўрта аср давлати ташкил топади. Бу давлатни сомонийлар хонадонидан бўлган ҳукмдорлар – амирлар X аср охирларигача идора қиладилар.

Исмоил Сомоний тарихий маълумотларга кўра, оқил, одил ва уламоларга ҳомий ҳукмдорлардан бўлиб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, кучли қўшин тузиш, итоатсиз амирларни бўйсундириш йўлида қаттиқ курашган. У мамлакат ободончилигига ҳам катта эътибор бериб, кўплаб меъморий иншоотлар қурдирган. Турли ерлардан уламолар, адиблар, уста ва хунарамандларни Бухорога тўплаган ва маданият ривожига катта ҳисса қўшган. У Бағдод халифаларидан ибрат олиб, ўзига улкан мақбара қурдирган. Мақбара отасининг қабри устига қурилган. Кейинчалик унинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Мақбара қурилишининг тахминий вақти 892-907 йиллар оралиғида бўлган [6:231].

АСОСИЙ ҚИСМ

Совет археологи ва шарқшуноси В.А.Шишкин мақбарани Исмоил Сомоний ҳаётлигида отаси Наср ибн Аҳмад (876-892) учун қурдирган деган фикрни айтган [4:32]. Аммо Наср ибн Аҳмад Исмоил Сомонийнинг отаси эмас, акаси бўлган. Исмоилнинг отаси эса Аҳмад ибн Асад эди. Шунга қарамай, В.А.Шишкин Бухородаги мавжуд Сомоний мақбараси Исмоил томонидан акаси Наср учун қурилган, деган фикрни илгари сурган [7:331].

Б.П.Денике 1568-1569 йилларда қўчирилган бир вақфномадаги маълумотларга таяниб, Исмоил Сомоний дафн этилган деб тахмин қилинган мақбара Исмоилнинг ҳаёти давридаёқ мавжуд бўлган, у мазор атрофидаги ерларни сотиб олиб, мақбара фойдасига вақф қилган дея хулоса беради.

У 1926 йилда В.Л.Вяткин раҳбарлигида мақбаранинг жануби-шарқий бурчагида кичик қазил ишлари олиб борилганда бир нечта қабрлар аниқланганини тилга олиб, бу мақбара фақат Исмоил Сомонийга эмас, балки бошқа Сомонийларга ҳам тегишли бўлганини тасдиқлайди дея таъкидлайди [2:8].

Б.П.Деникенинг маълумотига кўра, бу ёдгорлик биринчи марта 1916 йилда “Туркестанский курьер” газетасида чоп этилган мақолада тилга олинган [2:7-8]. Биринчи бор нашр этилган тасвири эса 1911 йилда даниялик ҳарбий офицер ва тадқиқотчи О.Олуфсеннинг “Бухоро амири ва унинг мамлакати. Бухородаги саёҳатлар ва тадқиқотлар” номли китобида чоп этилган ва муаллиф уни шунчаки эски дафн хонаси (мозор) сифатида эслатиб ўтган [12: 409, 411].

Мақбара гумбазсимон, Мовароуннаҳр ва Хуросон меъморчилигининг ўзига хос “Чор” услубида қурилган. Меъморий обиданинг ўзига хос томони шундаки, у Ўрта Осиё архитектура ва санъат тарихидаги дастлабки мақбаралардан бири ҳисобланади. Исмоил Сомоний мақбараси лойиҳасидан тортиб, ҳажмий тузилишига геометрик тартиб асосида яратилганлиги унинг бошқа мақбаралардан фарқлантирувчи хусусиятидир. Мақбара ўз даврида сомоний амирлари дафн этилган дахма бўлган.

Академик Г.А.Пугаченкованинг таъкидлашича, бу мақбара келиб чиқиши (генезиси) жиҳатдан Сўғд классик меъморчилигининг қадимий анъаналарига жуда яқиндан боғлиқ [5:47-52]. У Ироқда жойлашган Кубба ас-Сулайбия (ёки Куббатул хулафа) мақбараси билан Сомонийлар мақбарасини солиштирар экан, бу икки мақбара ўртасидаги ўхшашлик фақат режа жиҳатидан яъни, квадрат шакл ва тўрт асосий ўқда очик аркали кириш жойлари мавжудлигида намоён бўлиши, ўлчам ва композицион ечимлари эса бутунлай фарқлилигини таъкидлайди. Унга кўра, халифалар мақбарасида квадрат призманинг устида гумбазни ушлаб турган саккизбурчак тузилма жойлашган бўлса, Сомонийлар мақбарасида бу ярим шарсимон гумбаз билан ёпилган куб шаклида ифодаланган. Шунингдек, биноларнинг архитектуравий услуби ва безак ечимлари ҳам мутлақо фарқланади. Яна Пугаченкова Сулайбия мақбарасини Византия анъаналари билан мустаҳкам боғлиқ бўлиб қолгани, шу билан бирга у ўзига хос араб архитектураси услубини ҳам намоён этганини

айтиб, бу услуб VIII-X асрларда Марказий Осиёда шаклланаётган архитектурадан фаркли дея хулоса беради [5:48].

К.Кресвелл Сомонийлар мақбараси тузилишини Сосонийлар давридаги олов маъбадлари – оташкадаларга боғлайди. Эрон архитектурасида яхши маълум бўлган оташкада тўрт аркали гумбазли кўшк шаклидаги иншоот Марказий Осиёда илгари учрамаган [1:25]. Л.И.Ремпел Сомонийлар мақбарасининг ташқи деворида аркатура шаклида ифодаланган ўзига хос айлана галереясига эътибор қаратган ҳолда, унинг келиб чиқишини Ўрта Шарқдаги исломдан аввалги квадрат чизмалар, йўлаклар билан ўралган бинолар анъаналари билан боғлайди. Хусусан, зардуштийлар ибодатхоналари ва Шарқий Туркистон буддавий ибодатхоналарига ўхшашлигини кўрсатади [8:31-32]. Худди шу фикрни В.Л.Воронина ҳам такрорлаб, хусусан, Панжикентдаги ибодатхоналарининг айлана йўлакларини мисол тариқасида келтиради [3:45].

Бироқ, Пугаченкова Панжикентдаги кўплаб ибодатхоналар билан Сомонийлар мақбараси ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқ дея хулоса берган [5:49].

Ёдгорлик деворлари энли (1,8 метргача) бўлганлиги сабабли яхши сақланган. Қалин деворлар бинони вайронагарчиликдан ҳимоя қилган. Мақбара деворлари ўзига хос нақшли текис сиртга эга бўлиб, тепаси бўйлаб оралик равоқ чўзилган ва ичида қирқта дераза тиркишлари мавжуд. Ушбу нодир обидани тиклашгача бўлган даврда Бухорода математик билимлар, хусусан геометрия жуда яхши ривожланган. Исмоил Сомоний мақбараси жаҳон меъморчилик ва бинокорлик мактабларининг ноёб асари ҳисобланади.

Усталар меъморий лойиҳалашда аралаш усулда ғишт териш, яъни ғиштлирини турли кўринишда жойлаштириш орқали бадий композицияга эришганлар. Кун давомида куёш нури йўналишига қараб мақбара деворидаги нақшлар ўз шакли ва рангини ўзгартириб туради. Айниқса, ой ёруғида бу манзара бетакрор кўриниш касб этади. Профессор М.Булатов уни барпо этишда қўлланилган ҳандаса қоидалари ва қонуниятларини ўрганиш асосида докторлик диссертацияси ёзган. У тадқиқотларида кўплаб археолог олимларнинг мақбара меъморий шакллариининг келиб чиқиши исломгача бўлган меъморчилик билан боғлиқ деган хулосаларни таҳлил қилган. Мақбарани Сабоийларнинг

ибодатхонаси билан қиёсий ўрганган. Булатов макбара архитектурасининг илдишлари бир йўлдан келиб чиқиб ривожланган эмас, балки маҳаллий архитектура аъёналари билан қўшни мамлакатлар меъморчилигининг ютуқлари асосида вужудга келган, дея хулосага келган [9:39-45].

Иншоот қабр вазифасини бажарганлиги сабабли, унинг интеръери уч поғонали (тўртлик – тўрт девор, саккизлик – девордан томга ўтиш қисми ва гумбаз – том қўринишдаги) бир хонали квадрат шаклни ташкил қилган.

Макбара қурилишида пишган ғишт, тош ва ёғочдан фойдаланилган. Макбара тўрт томони бир хил чордара шаклида, жимжима ғиштин безаклари чивикли тўсик ёки камиш, буйра тўқимасини эслатади. Девор қалинлиги – 1,8 м, тарҳи – ташқариси 10,80х10,70 м, ичкариси 7,20х7,20 м. Усти гумбаз билан қопланган. 4 бурчаги устунсимон шаклда ишланган, гумбаз атрофига 4 кубба ўрнатилган. Девор тепасида кунгирасимон дарча (40 та). Ҳар бир дарча хошияланган. Равоқ тепасидаги қанос ғиштин тангачалар маржони билан чегараланган. Икки четига майда ғиштан чорси тумор ясалган. Бино ичкариси ташқаридаги безак билан узвий боғлиқ бўлиб, услуб жиҳатдан бир хил. Ички девор гумбаз ости бағалидаги устма-уст равоқчалар устунчаларга таянган. Равоқчалар 8 қиррали гумбаз асосини ташкил қилади. Қирралар бурчагига гумбазга тиргаклик қилувчи устунчалар ишланган [10:332].

Археологик қазилма вақти (1927 й.) да хона саҳнида икки ёғоч сағана борлиги аниқланган. Шарқ томондаги сағана Исмоил Сомоний қабри деб тахмин қилинади. Наршахий Бухоро тарихи китобида Исмоил Сомонийнинг ўғли амир Аҳмад ўз қуллари томонидан ўлдирилган ва мазкур макбарага қўйилган деб ёзади.

Макбара биринчи марта 1924 йилда Моисей Гинзбург экспедиция гуруҳи томонидан текширилган. 1925 йилда Бухоро тарихий ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш комиссиясининг илмий котиби Мусо Саиджонов бино гумбазининг астарларини тиклашни ташкил қилган. Кейинги археологик тадқиқотлар Василий Вяткин томонидан 1926-1928 йилларда олиб борилган қазилмалар давомида некропол ичида бир нечта қабрлар, жумладан Исмоил Сомонийнинг ҳам қабри сақланиб қолганлигини аниқланган [6:221-237]. 1937 йилда макбаранинг шарқий жаҳонида реставрация ишлари олиб борилганида, кириш

эшиги тепасида катта ёғоч тахта топилади. Унда “Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил” (яъни Исмоилнинг набираси) исми ёзилган қуфий хатидаги ёзувни арабшунос В.И.Беляев ўқийди. Мазкур топилмага асосланиб Б.П. Денике юқорида айтилганидек, у ерда бир эмас, балки бир нечта одам дафн этилган дейди. Бу фикр Б.Н. Засипкин томонидан қўллаб-қувватланади ва у ҳам макбаранинг IX асрга оидлиги шубҳасиз эканини таъкидлайди [7:331].

Б.Н.Засипкин ва Уста Ширин Муродов бошчилигида таъмирлаш ишлари олиб борилганда(1937-1939), бинони кўмиб юборган зах тупроқлардан тозаланган. Бунинг натижасида минг йилдан ортиқ вақт давомида қад кўтариб турган макбара катта ўзгаришларга учрамаганини гувоҳи бўлиш мумкин.

Макбарага оид тарихий ҳужжатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар тадқиқотчилар томонидан шубҳа остига олинган ҳоллари кузатилади¹. Унга қўра, айримлар вақфноманинг асл нусхаси ёзилган санада Исмоил Сомоний ҳали 15 ёшда бўлган эди деб кўрсатишса, бошқалар вақфноманинг йўқолиб қайта тикланган нусхаси XVI асрда Шайбонийлар ҳукмронлиги даврида бир неча бор қайта кўчирилган дейди. Бу эса вақфноманинг кўп маротаба ўзгартирилган ва турли сулолалар томонидан қайта ишланган деган хулосага олиб келади.

Илк ўзбек профессорларидан бири Мусо Саиджонов ҳам “Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари” номли тадқиқотида иккита вақфномадаги маълумотлардан намуналар келтирган. Олим вақфномаларни таҳлил қилар экан, Исмоил Сомонийнинг мингларча таноб ерларни сотиб олиб ўзининг авлодлари ва шу мазорга вақф қилганини ёзади [11:27-28]. Шунингдек, Б.Э. Мусаметов “Исмоил Сомоний вақфномаси – тарихий ҳужжат сифатида”, номли магистрлик диссертациясини йўқлаган. Диссертация маълумотлари асосида Ш.Қамолитдинов билан ҳаммуаллифликда “Исмоил Сомоний вақф ҳужжатлари” номли китоб чоп этирган. Китобда Исмоил Сомонийнинг Бухородаги авлодларига тегишли форс тилидаги икки ҳужжати тадқиқи баён этилган. Биринчи ҳужжат, 931/1524-25 йилларга тааллуқли бўлиб, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти

¹ Тарихчи И.М.Гафурованинг айтишича, бу ерда М.Й.Саиджонов тадқиқ этган вақф ҳужжатлари назарда тутилган. Қаранг: И.М.Гафурова. Мавзолей Саманидов как памятник династической архитектуры раннего средневековья. – С. 331.

кўлёмалар фондида 527а рақам остида сақланиб, “Исмоил Сомоний вақфномаси” дея номланади. 460 сатрдан иборат ушбу ҳужжатда Бухоро вилоятидаги айрим қишлоқлар ҳақида сўз боради. Исмоил Сомоний бу қишлоқларни ўз авлодларига вақф мулкларига сифатида қолдирган. Матннинг асосий қисмини эса Сомонийлар тарихи ташкил этади.

Иккинчи ҳужжат “Вақфия-йи авлод ва подишоҳи Исмоил Сомоний” (“Исмоил Сомоний авлодларига оид вақф ҳужжати”) дея номланиб, Ўзбекистон Миллий архивида 758 рақами остида сақланади. 98 сатрдан иборат ушбу ҳужжатда Исмоил Сомонийнинг авлодларига Бухоро вилоятидаги Самжон канали атрофидаги ерларнинг вақф тариқасида топширилиши ҳақида сўз юритилади. 527а рақамли ҳужжатдан фарқли равишда, бу ҳужжатда барча ерлар, қишлоқлар ва жойларнинг аниқ чегаралари баён қилинган. Шунингдек, ушбу икки ҳужжатда келтирилган баъзи маълумотлар асл нусхаси бизгача етиб келмаган, X асрда форс тилида тузилган матнга бориб тақалиши тахмин қилинади [13].

Китобда ушбу икки ҳужжатнинг матни, таржимаси ва уларга тегишли изоҳлар келтирилган. Ўзбекистон Миллий архивида мақбарага тегишли яна бир вақф ҳужжати нусхаси сақланмоқда [14].

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мақбара атрофи ободонлаштирилиб, ёдгорликнинг жануби-шарқидаги ҳовузи қайта тикланган. 1993 йилда мақбара ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.

1997 йил Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан Бухородаги барча обидалар сингари Исмоил Сомоний мақбараси ҳам қайта таъмирланди.

Ҳозирда меъморий иншоот атрофлари боғга айлантирилган. Бугунги кунда бу иншоот ислом дунёси маърифатпарварлари ва алломаларининг диққат-марказида ҳамда туристларнинг саёҳатгоҳига айланган.

ХУЛОСА

Исмоил Сомоний мақбараси нафақат Сомонийлар даври меъморчилигининг беназир намунаси, балки бутун ислом олами архитектурасининг ривожига муҳим босқич саналади. Мақбара шаклланишида маҳаллий архитектура анъаналари, Сосонийлар ва Марказий Осиёдаги исломгача бўлган

меъморчилик услублари муваффақиятли уйғунлашган. Унинг композицион ечимлари, безаклари ва меъморий шакли бугунги кунда ҳам илмий аҳамиятга эга. Исмоил Сомоний мақбараси ҳозирда нафақат миллий, балки жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ноёб ёдгорлик сифатида эътироф этилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Godard A. Les monuments du feu, Atharè Iran. t. II, fasc. I. – Paris: 1938. – P. 25.
2. Денике Б.П. Архитектурный орнамент Средней Азии. – М.: Издательство всесоюзной академии архитектуры, 1939. – С. 7-8.
3. Воронина В.Л. К характеристике архитектуры Средней Азии эпохи Саманидов. «Труды АН ТаджССР», Т. XXVII. 1954. – С. 45.
4. Шишкин В.А. Архитектурные памятники Бухары. – Т.: Издательство комитета наук УзССР, 1936. – С. 32.
5. Пугаченкова Г.А. Архитектурный генезис мавзолея Саманидов. Общественные науки в Узбекистане. – Т.: Издательство академии наук Узбекской ССР, 1962.
6. Мирзаахмедов Д.К. К изучению исторической топографии Бухары района мавзолея Саманидов // История материальной культуры Узбекистана. Выпуск 19. – Т.: Фан, 1984. – С. 221-237.
7. Гафурова И.М. Мавзолей Саманидов как памятник династийной архитектуры раннего средневековья. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81).
8. Ремпель Л.И. Мавзолей Измаила Саманида. Академия архитектуры, 1936. №5.
9. Булатов М.С. К вопросу о генезисе архитектуры мавзолея Саманидов / Общественные науки в Узбекистане. – Т.: Издательство академии наук Узбекской ССР, 1964.
10. Саипова М.С. Сомоний мақбараси безакларидаги махфий рамзлар тилсими // Raqamli texnologiyalar davrida tillarni intensiv o'qitishning psixologikpedagogik jihatlari respublika ilmiy-amaliy anjumani. 2023-yil 2-iyun.
11. Саиджонов М.Й. Бухоро шаҳри ва унинг эски бинолари. – Т.: Рабочие документы ИФЕАК, 2005.
12. Olufsen O. The emir of Bokhara and his country. Journeys and studies in Bokhara. – London: William Heinemann, 1911. – P. 409, 411.
13. Камолиддин Ш.С., Мусаметов Б.Э. Вақфные документы потомков Исмаила Самани (текст, перевод, комментарии). – Т.: Fan ziyosi, 2024. – 278 с.
14. Ўзбекистон Миллий архиви. 323-фонд, 1-рўйхат, 758/6-йиғмажилд; 323-фонд, 2-рўйхат, 1342-йиғмажилд.